

Сувдан самарали фойдаланишга замин яратувчи кузги тадбирлар

З.С.Шохўжаева- ҚарМШИ,катта ўқитувчи

Х.Сағдуллаев- ҚарМШИ,талаба

С.Бабанов- ҚарМШИ,талаба

Далалардан қишлоқ хўжалик экинлари йиғиштириб олиниб, ғалвирлар сувдан кўтарилган куз охири деҳқончиликда муҳим роль ўйновчи паллалардан бири саналади. Бу давр ўтган вегетация даврида эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиниб, уларни келгуси мавсумда рўй бермаслиги учун режа ва тадбирлар белгиланадиган муҳим палладир. Келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин худди шу палладан бошлаб тайёрланади. Бу замин негизида бир қатор кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ётадики, ушбу тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш келгуси ютуқлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Деҳқончиликнинг барқарорлигини таъминловчи энг муҳим омиллардан бири ерларни кузги шудгорлашдир. Кузги шудгорлашни сифатли ўтказилиши нафақат ресурсларни тежаш (ер ва сувдан оқилонга фойдаланиш ҳисобига), балки суғориладиган майдонлар маҳсулдорлигини ошириш имкониятини ҳам яратади. Шудгорлашни юқори сифатли бўлиши учун аввал ҳайдаладиган майдон яхшилаб тайёрланиши лозим. Бунинг учун аввало далалар ғўзапоя ва бошқа кўп йиллик ўсимликлар қолдиқларидан (ажриқ, ғумай ва бошқалар илдизлари) далани узунаси ва кўндалангига 15-20 см чуқурликда чизеллаш ёрдамида обдон тозаланиши лозим.

Шудгорлаш давомида ҳайдов тракторининг юриши боис далада юзага келадиган паст баландликларни камроқ бўлишлиги учун далани аввал тенг бўлақларга бўлиб кейин ҳайдовни амалга оширган маъқул. Шундай қилинганда дала бир текисда ҳайдалади, келгусида суғориш суви тўпланиб қоладиган чуқурликлар ва юрмайдиган баландликлар бўлишини олди олинади ва сувдан самарали фойдаланишга замин яратилади.

Ерларни кузги шудгорлаш октябрнинг иккинчи ярми ва ноябрнинг бошларида бошланиб, ер музлайдиган давргача тугалланиши лозим. Шудгор

чуқурлиги унумдор оч бўз тупроқли далаларда 35-40 см, ўтлоқ тупроқли ерларда 30-35 см бўлиши керак. Дастлабки ярим метр чуқурликда гипсли катламлар жойлашган ерларда шудгорнинг чуқурлиги 25-30 сантиметрдан ошмаслиги лозим. Бундай далаларда шудгорлаш билан ерларни 40-45 см чуқурликкача ағдармасдан юмшатиш юқори самара беради .

Тупроққа солинадиган органик ўғитлар тупроқдаги микроорганизмлар фаолияти натижасида ўсимлик учун керакли бўлган N, P, K, Ca, S ва бошқа элементларнинг минерал бирикмалари ва чиринди моддаларни кўпайтиради. Органик ўғитлар солинганда тупроқнинг физик-кимёвий ва кимёвий хоссалари, сув ва ҳаво режимлари яхшиланади, тупроқдаги фойдали микроорганизмлар фаолияти фаоллашади.

Органик ўғитлар сифатида турли хайвонлар ва паррандалар гўнглари, кўк ўғитлар, маиший оқава сувлар чўкиндилари, сомон ва бошқалар ишлатилади.

Етарли даржада органик ўғит (одатда 15-60 тонна/га) солиб ишлов берилган майдонларда экинлар ҳосилдорлиги ортади, бу миқдор ғаллада камида 6-8, сабзавотларда 60-100, картошкада 50-60 центнерни ташкил қилади.

Органик ўғитлар етарли бўлмаган шароитларда кўк ўғитлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Экин майдонларидан юқори ҳосил олишга замин яратувчи тадбирлар орасида ирригация ва мелиорация йўналишидаги тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Мелиоратив ҳолатни белгиловчи омиллардан бири - ерларнинг шўрланганлик даражасини аниқлаш тадбирларни тўғри белгилашга имконият яратади. Ернинг шўрланганлик даражасини аниқлаш учун тупроқнинг фаол қатламидан бурғу ёрдамида тупроқ намуналари олиниб кимёвий таҳлил қилинади. Бундай ишлар одатда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибидаги гидрогеологик-мелиоратив экспедициялар томонидан амалга оширилади. Ўз даласининг ҳолатини аниқ билишни истаган ҳар бир фермер ушбу экспедициялар билан ҳамкорлик асосида иш олиб бориши яхши натижаларни беради. Мелиоратив ҳолати тўғри аниқланиб, шўр ювиш ва

ерларни текислаш каби тадбирлар тўғри танланган майдонларда шўр ювишга ишлатиладиган сувлар миқдори аниқ белгиланиши ва қимматбаҳо сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкон яратилади. Натижада юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг (ер ости сувлари сатҳининг керагидан ортиқ кўтарилиб кетиши каби) буткул олди олинади ва келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин яратилади.

Ирригация ва захкашлар инфратузилмасини ишга яроқли ҳолатини таъминлаш ҳам келгуси йил ҳосилини юқори бўлишини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари ўз худудларидаги захкаш тармоқларини ишчи ҳолатда сақлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишлари лозим:

- Ғаллани кузда суғориладиган жойларда ўтказиладиган ўқ ариқларни ёпиқ-ётиқ захкашларнинг устидан ёки ёнидан захкаш ўқи бўйлаб олиш мумкин эмас. Далалар шўрини ювиш ва яхоб суви бериш одатда даланинг ўрта қисмидан бошланиши лозим.
- Очиқ зовурлар бўйлаб ўқ ариқлар тортиш ва даланинг очиқ зовурлар томонидан суғориш ёки яхоб беришни бошлаш мумкин эмас. Акс ҳолда зовур қирғоқлари ўпирилиб унинг чуқурлигини камайтиради, майда тўсиқлар юзага келтиради, кўп ҳолларда захкашларнинг сув чиқиш жойлари беркилиб қолади, грунт шўр сувларининг чиқиши кийинлашади ва оқибатда суғориладиган майдонларда грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши юз беради.
- Фермерлар ўз далаларида жойлашган ёпиқ-ётиқ захкашларнинг кузатув қудуқларини лойқадан тозалашлари, суғориш ёки шўр ювиш вақтида кузатув қудуқларига сув тушишини олдини олишлари лозим.
- Ёпиқ-ётиқ захкашларнинг сув чиқадиган жойларини очиқ ҳолда бўлишини, яъни сизот сувларини эркин оқиб чиқишини таъминлашлари лозим.

- Фермер даласидан зовурларга оқава сув ташланадиган нуқталар тупроқ эрозиясига учраши ва жарликлар юзага келишига қарши мустаҳкамланиши лозим.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун фермерлар ўз далаларида кундалик кузатувни йўлга қўйишлари лозим.

Экин парвариши ишлари бир мунча озайган ҳозирги кунларда фермерлар ўз сув олиш ва суғориш иншоотларини келгуси мавсумга шайлаш тўғрисида ўйлашлари ва ҳудуддаги сувдан фойдаланувчилар уюшмаси билан ҳамжиҳатликада бир ёқадан бош чиқариб иш юритишлари лозим. Бунда суғориш тизимининг мавсум давомида ишдан чиққан, бузилган, синган, ахлат ва тупроқ-қумга тўлган жойлари аниқланиб, уларни қайта тиклаш ишлари режалаштирилиши ва амалга оширилиши лозим.

Кузги буғдойни суғориш олиб борилаётган ҳозирги кунда ҳар бир фермер ўтган мавсум сув тақчиллиги қийинчиликларини ёдда тутган ҳолда сув ресурсларидан тежаб тергаб оқилона фойдаланиш учун сув олиш интизомига тўлиқ риоя қилиши ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси доирасида ўрнатилган тартиб қоидалар асосида фаолият юритиши, сувдан фойдаланишнинг навбатига амал қилиши лозим. Суғоришга берилаётган сув миқдори кам бўлган ҳозирги пайтда ҳар қайси фермер мавжуд сувни ўз даласига тортқиласа суғориш муддатлари чўзилиши тайин гап. Шунинг учун, сувнинг ариқдаги миқдори белгиланган навбат ва режа асосида аввал бир фермер, кейин бошқа фермер даласига йўналтирилиши лозим. Шундай қилинсагина кам сув билан катта майдонларни қисқа муддатда суғоришга эришилади, мавжуд сувдан оқилона фойдаланилади.

Шундай қилиб, келгуси йил ҳосилига замин яратиладиган ҳозирги кунларда дала юмушларига масъулият билан ёндошиш ва бунда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш лозимки, бу амалга ошираётган ишларимизни баракали бўлишини таъминлайди.